

## ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДАГИ ИННОВАЦИОН ЭКСПОЗИОН МУХИТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**Норбобоева Нафосат Фозил қизи**

Қўғирчоқлар ишлаб чиқариш технологияси таълим  
йўналиши 1 –курс талабаси

**Махмудов Нозимжон Валижон ўғли**

Илмий раҳбар: Қўғирчоқ театрни санъати кафедрси ўқтувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Темурийлар тарихи давлат музейидаги инновацион экспозион муҳитининг ривожланиш омиллари ўрганилган. Шунингдек, музей фаолиятида ташкил этилган турли хорижий ва махаллий кўргазмалар муҳити ҳам ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Темурийлар тарихи давлат музейи, музей, экспозиция, экспонат, махаллий кўргазма, кўчма кўргазма, инновацион экспозиция, виртуал музей.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены факторы развития инновационной экспозиционной среды в Государственном музее истории Темуридов. Также освещена атмосфера различных зарубежных и местных выставок, организованных в музейной деятельности.

**Ключевые слова:** Государственный музей истории Темуридов, музей, экспозиция, экспонат, местная выставка, передвижная выставка, инновационная экспозиция, виртуальный музей.

### ABSTRACT

This article examines the factors of development of the innovative exhibition environment in the state Museum of the history of the Temurids. The atmosphere of various foreign and local exhibitions organized in the Museum's activities is also highlighted.

**Keywords:** State Museum of the history of the Temurids, Museum, exhibition, exhibit, local exhibition, traveling exhibition, innovative exhibition, virtual Museum.

Ўзбекистон музейларида замонавий ахборот технологияларини ишлаб чиқилиши томошабинлар ва музей ходимлари учун кенг имкониятлар яратади. Музей предметларини тўлалигича рақамли кўринишига ўтказиш, уларни ўрганиш борасида енгилликлар туғдиради. Бу муаммолар борасида бир қанча ечимлар ишланяпти, чунончи, компакт диск ва Интернет сайтларида электрон нашрлар жорий этилмоқда.

“Музейларни ахборотлаш ва интернет тизимида маълумотлар баъзасини яратиш томошабиннинг музей билан танишишда ўзаро мулоқот кўринишини беради. Экспонатлар тўғрисида тўлиқ маълумот бериш ва ўзаро мулоқот жараёни янгича замонавий-маданий жараённи яратмоқда. Ҳозирда мамлакатимизнинг кўзга қўринган музейларида ҳалқаро алоқалар ўрнатиб, турли кўргазмалар ташкил этилмоқда, музейлар ахборотлаштириш тизимиға кириб бормоқда ва уларнинг веб – саҳифалар ҳусусида ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Темурийлар тарихи давлат музейида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Амир Темур-тариҳда энг буюк шахслардан бири. Ажабланарлиси шундаки, XIV асрнинг энг ёрқин ва мўътабар зотнинг буюклиги кейинчалик ҳар турли афсоналару уйдирмалар гирдобида қолиб кетди. Хайрият, ҳақиқат ғолиб келди. Амир Темурнинг йирик давлат арбоби, ўрта аср ислоҳотчisi, жасур адолатпеша, фан ва маданият ҳомийси сифатидаги сиймоси ҳар турли мафкуравий таассуротларга, камситилган ваadolatsiz баҳоларга қарамай, асрлар оша яшаб келди.....<sup>1</sup>. Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чукур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 марта 99-сонли қарорига биноан 1996 йили 18 октябрда очилган Темурийлар тарихи давлат музейи бугунги кунда энг илғор музейлар қаторидан жой эгаллаб келмоқда. Музейда мунтазам равища илмий тадқиқотлар, фонdlарни ашёлар билан бойитиш, сақлаш, таъмирлаш, кўргазмаларни ташкил этиш, маънавий маърифий тадбирлар ўтказиш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Энг асосийси музей бугунги кунда замон талаби ҳисобланган музейларда информацион усуллардан фойдаланишни йулга қўйиб келмоқда. Бу эса музейнинг жамиятдаги мавқеини тобора ошириб, дунё музейлари қаторидан жой эгаллаш имкониятини бермоқда. Жумладан, Темурийлар тарихи давлати музейи мультимедиасининг яратилиши бунга яққол мисол бўла олади.

<sup>1</sup>Амир Темур жаҳон тарихида - Тошкент: Шарқ, 1996 - Б.5 .

Мультимидада музей залларида намойиш қилинган экспозициялар, уларнинг тарихи, илмий асослари акс эттирилган. Ушбу мультимедиа орқали Амир Темур шажараси, ҳокимият тепасига келиши, ҳарбий юришлари, темурийлар даври дипломатик алоқалари, савдо муносабатлари, ҳунармандчилиги, ободончилиги ва илм-фаннинг ривожланишини ўзида акс эттирган экспонатлар билан танишиш мумкин. Музейнинг «Темурийлар даври меъморий обидалари» (Шаҳрисабздаги Оқсарой, Самарқанддаги Жомеъ масжид, Улуғбек мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир мақбараси, Туркистондаги Ахмад Яссавий мақбараси, Ҳиндистондаги Тожмаҳал мақбараси) ва «Темурийлар даври тангалари» деб номланган кўргазмаларнинг виртуал кўринишлари ҳам яратилган. Музейда янги ташкил этилган «Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар»<sup>1</sup> номли кўргазмада хориж музейларида сақланаётган темурийлар даврига оид ноёб ашёларнинг муляжлари яъни, Санкт-Петербург Давлат Эрмитажидаги мойчироқ, Мироншоҳнинг узук-муҳри, Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳри, Нью-Йорк Метрополитен музейидаги ханжар дастасининг тутқичи, Лондон Британия музейидаги Улуғбек Кўрагон исми ёзилган ва аждар тутқичли нефрит пиёлалар, Туркия Турк ва ислом асарлари музейидаги мис мойчироқ, Германия Берлин музейидаги кўплаб миниатюралар ва шунга ўхшаш кўплаб экспонатлар намойиш этилган бўлиб, шу билан бирга томошабин кўргазмада видео проектор орқали ана шу хориж музейларини, у ерда сақланаётган темурийлар даври буюмларини асл нусхаларини кўриш имкониятига эга бўлди. Музейга ташриф буюрган гурухларга мавзули экскурсиялар олиб борилиб, мавзуни ўзида акс эттирган хужжатли фильмлар монитор ва полижранлар орқали намойиш қилиб борилади. Музей Интернетда ўзининг веб саҳифасига ҳам эгадир<sup>2</sup>. Бу уч тилда ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги саҳифада музейда бўлаётган илмий янгиликлар, намойиш этилаётган экспозициялар, музей тадбирлари ва музейга ташриф буюраётган расмий меҳмонлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда намойиш этиб келинади. Бундан ташқари 2014 йилда музейнинг қиса виртуал кўриниши Темурийлар тарихи давлат музейи ва Тошкент алоқа ва технологиялар Университети ҳамкорлигига яратилган бўлиб, музейда жойлаштирилган киоск орқали томошабинларга тақдим этилиб туради. 2016 йилда эса, Соҳибқирон Амир Темурнинг 680 йиллиги муносабати Темурийлар тарихи давлат музейи ва “Камолот” ёшлар ижтимоий харакати марказий кенгаши билан ҳамкорликда

<sup>1</sup>Курбонова. Д. Жаҳон ҳазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар. Н.Н. Ҳабибуллаев мухаррирлигига - Тошкент: Akademnashr, 2011. 56 б.

<sup>2</sup><http://www.temurid.uz>

музейнинг тўлиқ виртуал кўриниши яратилди. Унда музей заллари бўйлаб саёҳат ва экспонатларнинг 3d кўринишлари акс эттирилган.

Улар ичида Куръони Каримнинг турли йилларда насх, куфий услубларида, жумладан Куфа услубида битилиб 661-йили қўчирилган ва четлари олтин суви ва турли ранглар билан хошияланган нусхаси томошибинларда катта таассуротлар қолдирди. Шунингдек, Амир Темурнинг туғилишидан то вафотига қадар маълумот берувчи 1047 хижрий йили битилган Тузуки Темурий (кўпроқ Малфузат-и Соҳибқирон Муҳаммад Афзал Бухори номи билан машҳур) қўлёзмаси ҳам қизиқарлидир.

Бундан ташқари 2014 йилда “Узоқ ва яқин Ўмон” деб номланган кўргазманинг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этди. Ўмон Султонлиги Хужжат ва архивлар Миллий бошқармаси, Халқаро Амир Темур ҳайрия фонди ва ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазма “Узоқ ва яқин Ўмон” деб номланган. Ушбу кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг (2009 й.) Ўмон Султонлигига давлат ташрифига бағишлиланган фотоматериаллар, Ўмон ва Занжибар ҳақида дунё ОАВларида эълон қилинган публикациялар, жумладан, Лондон Қироллик география жамиятининг “National Geographic” журнали, “Paris match” (Франция), “Мировые дороги” ва “Атланта” (Италия), “Scientific Amerikan” (США) журналлари, “Морские путешествия” ва “Le miroir” (Франция), “The Street London News” (Буюк Британия) ва “Ал-араф” газеталар ва ҳ.к. Уларнинг ҳаммаси маълум вақт Ўмон империяси тарихининг бир қисми ҳисобланган Ўмон ва Занжибар тарихи ва ташқи сиёсий алоқаларининг алоҳида эпизодларига бағишлиланган. Булар Занжибар Султони Халиф бин Харибнинг икки жилдлик фармонлари тўплами ва бошқалар, Ўмон тарихи ва почтаси тарихининг алоҳида аспектларини акс эттирувчи почта маркалари рўйхати, Ўмон тарихи ва унинг ташқи алоқаларига бағишлиланган почта открыткалари, газета ва журнал мақолалари, суратлар, шунингдек, турли йилларда чиқарилган Ўмон тангалари коллекцияси суратлари, Ўмон бандаргоҳлари ва шаҳарларининг суратлари, жумладан, Маскатдаги Султон Қобус бандаргоҳи сурати, Ўмоннинг анъанавий ҳалқ хунармандчилигини акс эттирган фотоматериаллар рўйхати, Ўмон қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи фотоматериаллар, Турли тарихий даврларда хукумронлик қилган Ўмон ҳокимларининг, имомлари ва султонларининг фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар, Ўмон вилоятлари ва унинг чет давлатлар билан тарихий савдо-иктисодий алоқаларини кўрсатувчи хариталар, Ўмон тўқимачилик саноати ҳолатини акс эттирувчи фотоматериаллар, Ўмон ижтимоий ҳаётининг турли томонлари ҳақида ҳикоя қилувчи ва вилоятларининг ўзига хос табиий-иқлим

шароитига бағишлиланган фотоматериаллар, Ўмоннинг туристик марказларини акс эттирувчи фотоматериаллар, Ўмон давлат раҳбари Султон Қобуснинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти ҳақида хикоя қилувчи фотоматериаллар, Тарихда Ўмоннинг ҳалқаро алоқалардаги эволюциясини акс эттирувчи ҳужжатлар, Ўмон Султонлигидаги ишлаб чиқариладиган қўл меҳнатига асосланган ҳунармандчилик маҳсулотлари суратлари намойиш этилган. Кўргазма орқали ҳалқаро алоқалар яққол намоён бўлган.

Бугунги кунда Темурийлар тарихи давлат музейи мустақиллигимиз бунёдкорлигининг ёрқин ифодаси эканлигини исботлайди.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Амир Темур жаҳон тарихида - Тошкент: Шарқ, 1996 - Б.5 .
2. Қурбонова. Д. Жаҳон хазиналаридағи темурийларга оид жавоҳирлар. Н.Н. Ҳабибуллаев мухаррирлигидаги -Тошкент: Akademnashr, 2011. 56 б.
3. <http://www.temurid.uz>